

Москва ва бутун Рус Патриархи КИРИЛЛнинг

Рус Православ Черкови

**Илоҳпарварлари, руҳонийлари, муридлари, роҳиблик қилувчи
ва барча садоқатли ҳаворийларига**

РОЖДЕСТВО МАКТУБИ

*Худо ёрлақазан Ҳазрати олий илоҳпарварлари, тақводор оқсоқол
ва муридлар, Худони севувчи роҳиб ва роҳибалар,*

азиз ака ва сингиллар!

Бугун бизнинг ибодатхоналаримиз Таваллуд топган Худо зурриёти – Исо ҳаласкор ва унинг Бокира Онаси – Биби Марьям номини олқишлашга келган одамлар билан тўлган.

Исонинг таваллуд маросими – инсоният тарихининг марказий воқеасидир. Инсоният ҳар доим Худони излаган: бироқ Худонинг Ўзи инсониятга бутун борлиғини халқ билан яқдил Ўғли тимсолида очди. Худо Фарзанди – Инсоният ўғли пайдо бўлиши билан дунё Худонинг фақатгина Олий куч эмаслиги, балки Худо – бу Севги, унинг нафақат даҳшатли ҳакам, балки Худо – бу Қувонч, Марҳамат эгаси эканлигини, Худо - Илоҳий Учлик эканлигини англонади, Худо ҳаётининг ички қонунлари дунёнинг ягона ҳукмронлигида эмас, балки севги-муҳаббатдадир.

Бугун биз инсоният тарихининг барча юришларини тубдан ўзгартириб юборган воқеа-ҳодисани байрам қилмоқдамиз. Худо инсон ҳаётининг туб-тубига киради, у бизларнинг биримизга айланади, гуноҳларимизнинг барча оғирликларини, инсоний ожизлик ва заифликни Ўзига олади – одамларни чидаб бўлмайдиган оғир юкдан халос этиш учун уларни Голгофга олиб келади. Худо то абад жинойтсиз осмону фалакда эмас, балки шу ерда, биз билан бирга, бизнинг орамиздадир. Ҳар доим Диний Ибодатни амалга ошириш пайтида “Масих бизнинг орамизда!” деган сўзлар айтилади – ва жавобан: “Бор, ва бўлади!” дейилади. Бу эса Мужассамланган Худонинг – Исо Ҳаласкорнинг – ўз содиқлари орасида эканлигидан далолат беради. Унинг Илоҳий Танаси ва Қонини изчил поклаб, Унинг васиятларини ижро этишга ҳаракат

қилиб, биз У билан – Ҳаласкоримиз билан, ҳақиқий мулоқот қилишга киришамиз ва гуноҳларимизни авф этишини ҳис қиламиз.

Исога сиғинувчилар ва Унинг содиқ маслакдошлари ҳаётлигимизда Худо тажассуми Исо Масихда рўй берганларнинг шоҳидлари бўлишга йўлланганмиз. Бизга олий шараф – бизнинг Устозимиз ва Худо нима қилган бўлса, шуни такрорлаш шарафи, гуноҳ ва ёвузликларга қарши туришда саботли бўлиш, яхши ишларни чин дилдан адо этишдан ҳолдан тоймаслик, гуноҳларимиз янги, барокатли одамга ўтмаслиги учун кундалик ҳаракатдан умидсизланмаслик каби шарафлар юкланган.

Исо Ҳаласкор томонидан Худога нисбатан ҳақиқий муносабатларнинг мустаҳкам, мутлақ мезонлари ўрнатилган бўлиб, у бизнинг яқинимиздир. Бегоналар ожизлигини ўзига қабул қилиб, оғриқ ва қайғуга шерик бўлиб, бахтсиз ва бебахраларга қайғуриб, биз Исо Масих қонунларини бажо айлаймиз ва бизнинг ожизлигимизни ўзига олган ва бизнинг хасталиklarимизни кўтарган Ҳаласкорга ўхшашга ҳаракат қиламиз.

Ҳар қандай маҳлуқ Худо Фарзанди охурига ҳайратдан ёпишган бир пайтда ушбу қувончли ва нурафшон кун – Исо Масих таваллуд кунда ўзгаларни ёддан чиқариб бўлмайди. Ҳозирда ибодатхоналаримиздан оладиган худонинг ўша буюк марҳамати ҳамон Черков ташқарисида юрган ва Исо Масихни деб эмас, балки ушбу дунё офатларида яшаётган одамларга кўплаб тўкилиши зарур. Агар биз сиз билан пешвоз чиқмасак – ушбу Эзгу Хабар уларга етиб бормаслиги мумкин; агар биз ў сиз билан қувончга тўла қалбимизни уларга очмасак – уни қабул қилишга тайёр, бироқ бунга эга бўлмаганларга ҳеч қачон етиб бормаслиги мумкин.

Худо Фарзанди тимсолини мужассамлаш орқали инсониятнинг табиати юқори чўққиларга кўтарилди. Ҳар биримиз “Худога хос тимсол” асосида яралганмиз, шу билан бирга Исо Масих орқали Худонинг фарзанди ҳаммиз.: биз энди “бегона ва келгинди эмасмиз, балки муқаддаслар ҳамюрти ва Худога тегишлимиз”. Худога нисбатан ушбу яқинлик ва журъат борасида Худога сиғиниш ётади, бунда биз Яратувчига мўътабар Илоҳий Падару Бузрукворга қилгандек мурожаат қиламиз.

Инсониятнинг ҳар қандай ҳаёти бебаҳодир: ахир унинг учун Амалларимиз билан, Ҳаётимиз, Ўлимимиз ва Халқ билан яқдил Худо Фарзандининг қайтадан дунёга келиши билан тўлов амалга оширилган. Буларнинг барчаси эса бизни ҳар бир инсонга алоҳида иззат-икром ва эътибор билан қарашга чорлайди. Москвалик митрополити Филарет (Дроздов)нинг фикрича, “севги – бу ўзганинг фаровонлигида жонли ва фаол иштирок этишдир”. Ушбу севгига, аввало, ушбу қувончли Исо Масиҳ таваллуди кунига чорлашни хоҳлаймиз: хаворий Павелнинг фикрича, бир-биримизни ака-укадек севайлик, иззат-икромда бир-биримизни огоҳлантирайлик, чин дилликдан толмайлик, маънан ўртанайлик, Худога хизмат қилайлик!

Сизларни Исо Масиҳ таваллуди улуғ байрами билан чин дилдан табриклайман. Севги ва тинчлик Худоси халқимизга ва ҳар биримизга Янги йилда тинчлик ва хотиржамлик ато этсин.

Кирилл

Москва ва бутун Руснинг Патриархи

Исо Масиҳ таваллуди.

2013/2014й.

Москва ш.